

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИ СУГОРИШ УСУЛЛАРИ ВА ТЕХНИКАСИ

Алламурат Хожасов¹

¹ Қарақалпақстан айл хожалиғы ҳам агротехнологиялар институты “Дийханишилиқ, айл хожалиқ әгинлери селексиясі ҳам тұхимгерүүлигі” кафедрасы а.х.и.к. досент

МАҚОЛА МА'ЛУМОТИ

АННОТАЦИЯ:

МАҚОЛА ТАРИХИ:

Received: 10.01.2025

Revised: 11.01.2025

Accepted: 12.01.2025

КАЛИТ СҮЗЛАР:

сугориши тизимлари, қишлоқ хұжалиги, сув ресурсларини бошқарыши, сугориши оптималлаштириши, технологиялар, тупроқ мониторинги, дренажлар, туркагичли сугориши, томчилатиб сугориши, бостриб сугориши, марказий айланма сугориши.

Уибұ мақолада сугориши тизимларида құлланилиши ва бу технологияларнинг қишлоқ хұжалигига сув ресурсларини самарали бошқарышида тутган үрнини ёритиб берилган. Мақолада сугориши тизимлари уларнинг қишлоқ хұжалигига киритилиши, ҳамда үсімліктарни сугоришида мұхым омиллар тасирни үрганиш, технологияларнинг метеорологик маълумотлар, тупроқ ҳолати, үсімлік әхтиёжлари ва бошқа мұхым күрсаткічлар асосида сугориши жадвалини оптималлаштиришдеги фойдалы жиынтарини таъкидлайды. Бу ёрдамида фермерларга самарадорликни ошириши ва сув сарфини камайтиришігә имкон берувчи амалий ечимлар тақлиф қиласы.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қишлоқ хожалигини модернизациялаш ва жадал ривожландырыш ҳақидаги стратегиясида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хожалиги ишлаб чиқаришини мунтазам ривожлантириш, мамлакат озиқ овқат хавфсизлигини янада мустахкамлаш, экологик тоза махсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт даражасини сезиларлы даражада ошириш: сугорладиган йерларнинг мелеоратив холатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини

ривожлантириш, қишлоқ хожалиги ишлаб чиқариш мутахасисларини интенсив усулларини, аввало сув ва сув ресурсларини тежайдиган замонавий агротехникаларни пайдо этиш, унимдорлиги юқори болган қишлоқ хожалик техникаларидан фойдаланиш глобал үзгаришлар ва орол денгизи қуришининг зарарли таъсирини юмшатиш бойича системали ишлар олиб бориши чоралари айтиб ўтилган.

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш усуллари суғориш сувини суғориладиган участкаларга тақсимлаш ва сувнинг оқим шаклини тупроқ ва атмосфера намлигига айлантиришда қўлланиладиган усил ва тадбирлар мажмуаси бўлиб, ҳозирги вақтда йер юзасидан (тупроқ устидан), ёмғирлатиб, тупроқ орасидан, томчилатиб ва аэрозоль (майда дисперс ёмғирлатиб) ва субирригация суғоришлар билан фарқланади.

Суғориш техникаси суғоришни ўтказиш технологияси ва бунда қўлланиладиган техник воситаларни ўз ичига олади. Суғориш техникаси замонавий суғориладиган дехқончиликда энг мураккаб ва маъсул агромелиоратив тадбир хисобланади.

| Суғориш усуллари | Тупроқни намик- тириш | Ҳаво намлигини ошибирини | Нам тўпланиш | Шўр ювшин | Ўғитлаш | Чиқинди сувлар билин суғориш | Ҳароратни бошқарин | Провака- цион |
|---------------------|--------------------------|-----------------------------|--------------|-----------|---------|---------------------------------|-----------------------|------------------|
| Ёмғирлатиб | + | + | x | - | + | x | + | + |
| Тупроқ устидан | + | x | + | + | x | + | - | + |
| Тупроқ орасидан | + | - | - | - | + | + | - | - |
| Томчилатиб | + | - | - | - | + | - | - | - |
| Аэрозоль | - | + | - | - | - | - | + | - |

Изоҳ: мақсадга «+» мувофиқ; «-» номувофиқ; «х» қисман мувофиқ.

Эгаллаб сувғришнинг афзаликлари ва камчиликлари.

Қишлоқ хўжалиги экинларини эгатлаб суғориш тупроқни чукур қатламларигача намиқтириш имконини беради;

бостириб суғоришларга қараганда тупроқ структураси яхши сақланиб қолади;
тупроқ кучли зичлашмайди;

Эгатлаб суғориш тупроқда кечадиган микробиологик жараёнларга ижобий таъсир этади;

Сув билан 20–30 фоиз майдон бостирилади;

Эгатлар оралиғи – пушталар доим юмшоқ ҳолатда бўлиб, намликни яхши сақлайди.

Эгатнинг боши ва охирида тупроқни бир хил чуқурлиқда намлаш имкониятининг йўқлиги;

сувчининг иш унумдорлигини камлиги (ғўзани суғориша бир сменада 0,5–1,0 га);

нисбатан катта микдорларда сув беришнинг мумкин эмаслиги ушбу суғориш техникасининг камчиликлари ҳисобланади.

Йўлаклаб бостириб суғориша сув далага йўлак (тахта, пол)лар орқали ёппасига бостириб берилади. Йўлак бўйлаб сув қатлами тупроқ сатҳидан 2–3 см қалинликда ҳаракат қилиши жараёнида тупроққа сингиб, уни намиқтиради. Бундай суғориш кўндаланг нишоблиги 0,002 дан ва бўйлама нишоблиги 0,015 дан кичик бўлган ерларда нам тўплаш мақсадида хамда экишдан олдин суғоришларда, ёппасига экилган бошоқли, дуккакли дон ва ем-хашак экинларини, айrim ҳолларда боғ ва токзорларни суғориша қўлланилади.

Йўлаклаб бостириб суғориш юқори иш унумдорлигини таъминлайди. Лекин суғориша тупроқнинг юзаси сув билан тўлиқ бостирилиши туфайли структура агрегатларининг парчаланиши ва тупроқнинг кучли зичлашиши кузатилади, суғоришдан сўнг қатқалоқ вужудга келади ва тупроқни қуриб бориши билан унинг юзасида вужудга келган ёриқлар кенгая бориб, сувнинг буғланишга истроф бўлиши кучаяди. Шу сабабдан биринчи суғоришни ёппасига экилган экинлар тупроқ юзасини тўлиқ соялагандан кейин ўтказиш мақсадга мувофиқdir.

Чек олиб бостириб суғориш; Бундай суғориш маҳсус қурилган чекларни сув билан бостириш орқали амалга оширилади. Шолини суғориша ва шўр ювишда қўлланилади.

Чек олиб бостириб сугориш нишаблиги кичик ($\square 0,002$) ва қатъий нишобсиз, сув ўтказувчанлиги күчсиз, табиий зовурлаштирилганлиги юқори ёки коллектор-зовур тармоқлари билан таъминланган ерларда қўлланилади.

Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг айрим хўжаликларида шолидан бошқа айрим экинлар (буғдой, арпа, сули, оқ жўхори ва б.) ҳам чек олиб, қисқа муддатли бостириб сугориб келинмоқда.

Қисқа муддатли бостириб сугоришида чекка 10 см. дан 15 см. гача қалинликда сув берилади, сувнинг бир қисми тупроққа сингиши билан ўсимликнинг димиқиб нобуд бўлишини олдини олиш мақсадида ортиқча сув ташама тармоқларга чиқариб юборилади. Чек олиб бостириб сугоришида сувчининг сменадаги иш унумдорлиги 8 гектаргача етиб боради. Лекин бундай сугоришида экинларни сугориш меъёри нисбатан катта эканлигидан тупроқни сунъий зовурлаштириш талаб этилади, чек ва карталар атрофига олинган пушталар қишлоқ хўжалиги техникасиниг ҳаракатига халақит беради.

Ёмғирлатиб сугориши афзаликлари;

Сугориш меъёрини кераклича камайтириш ёки кўпайтириш орқали тупроқнинг намиқиши чуқурлигини ўзгартириш;

ҳавонинг йерга яқин қатламини нисбий намлигини ошириш ва ҳароратини пасайтириш;

сувни дала бўйлаб бир текисда тақсимлаш мумкинчилиги;

йерларни жуда текис бўлишига қатъий талаб кўйилмаслиги;

совуқ уришига қарши самарали тадбир ва сув ресурслари тақчил районларда тежамли усул эканлиги,

сугориш эгатлари ва муваққат ариқлар қуришга ҳожат йўқлиги;

Минерал ўғитларни ҳам эриган ҳолда сув билан бирга узатиш имкониятининг мавжудлиги ва бошқалар. Ёмғирлатиб сугоришида йер юзасидан сугоришига нисбатан сувдан фойдаланиш коэффициенти 25–30 фоизга, йердан фойдаланиш коэффициенти 3–5 фоизга ортади.

Ёмғирлатиб сугориш дейилганда махсус машина, қурилма ва агрегатлар ёрдамида сувни тупроқ сатҳи ва ўсимликка сунъий ёмғир шаклида етказиб бериш тушунилади. Бундай сугориш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Ғўзани ёмғирлатиб ва эгатлаб сугоришларнинг самарадорлиги (Кигай С. маълумоти)

| Суғориш усули | Мавсумий суғориш мөйёри, м ³ /га | Суғориш мөйёри, м ³ /га | Ҳосил, ш/га | Сувга эхтиёж коэффициенти, м ³ /га |
|---------------|---|---------------------------------------|-------------|---|
| Эгатлаб | 3317 | 829 | 26,5 | 125,2 |
| Ёмғирлатиб | 1370 | 342 | 29,5 | 58,6 |

Томчилатиб суғориш: Томчилатиб суғориш қишлоқ хўжалиги амалиётида қўлланилаётган нисбатан янги суғориш усули бўлиб, бунда маҳсус фильтрлар ёрдамида тозаланган сув томчилатгичлар орқали томчи шаклида тупроқка берилиб, ўсимликнинг илдиз тизими энг кўп тарқалган тупроқ қатламини локаль намиқтиришга эришилади.

Томчилатиб суғоришнинг авзалликлари сувдан тежамли фойдаланиш (одатдаги суғоришга нисбатан 1,5–2 марта кам);

сувни фильтрация ва буғланишга энг кам микдорда бўлиши;

оқова чиқарилмаслиги; ирригация эрозиясини юзага келмаслиги;

қатор ораларини зичланмасдан, доим юмшоқ ҳолда бўлиши;

тупроқнинг қулай намлигини таъминланиши; ўғитларни тупроқка локаль киритиш имкониятининг мавжудлиги;

мураккаб рельефли жойларда қўллаш мумкинчилиги;

ҳосилдорликни 20–50 фоизга ортиши;

Томчилатиб суғоришни сув ресурслари билан кам таъминланган қургоқчил минтақаларда, бошқа суғориш усулларини қўллаш мумкин бўлмаган мураккаб рельефли йерларда, суғориш суви чучук ёки кам минераллашган ва сув ўтказувчанлиги юқори бўлган йенгил қумоқ, қумли шўрланмаган тупроқлар шароитларида қўллаш тавсия этилади.

Аэрозоль суғориш (айрим адабиётларда майдада дисперс ёмғирлатиши ёки туман холида суғориш деб юритилади) суғоришнинг энг янги усули бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинлари учун қулай микроклиматни вужудга келтиради.

Аэрозоль сугорища ҳавони йерга яқин қатламининг нисбий намлиги оширилади, ўсимлик йер устки органларининг ҳарорати 6–12 градусга пасайтирилади. Бундай сугорищ куннинг энг иссиқ вақтида ҳар бир-икки соатда қайта-қайта ўтказилиб турилади. Бир марта сугорища гектар ҳисобига 0,8–1 м³ сув берилади. Аэрозоль сугорища маҳсус қурилмалар ёрдамида сув диаметри 400–600 ммк бўлган жуда майда томчиларга айлантирилади. Куруқ ҳаво ва иссиқ шамоллар бўлиб турадиган районлар, тупроқ намлиги ортиқча бўлган шароитларда боғ, резавор мевалар ва сабзавот, ем-хашак, техник экинларни сугорища бу усулдан тез-тез ёки узлуксиз фойдаланиш юқори самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Хамидов М.Х., Маматалиев А.Б. “Иrrигасия ва мелиорация”//Тошкент. TIQXMMI.2019.
- 2.Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б. “Қишлоқ хоъжалиги гидротехника мелиорацияси” //Тошкент. Шарқ. 2008.
- 3.Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Лапасов Х.О. “Қишлоқ хоъжалик гидротехник мелиорацияси” фанидан амалий машғулотларни бажариш боийича оқув қоъланма // Тошкент. 2014.
- 4.Рахимбаев Ф.М., Хамидов М.Х. “Қишлоқ хоъжалиги мелиорацияси” // Ташкент. Меҳнат. 1996.
- 5.Костяков А.Н. “Основи мелиорация” // М.: Сельхозгиз, 1960 г.-604стр.
- 6.Марков Е. “Сельскохозяйственные гидротехнические мелиорации” // М.: Колос,1981 г.-376 с.